



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 212 (13.025)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан шу йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини таҳлил қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш, саноят тармоқларини техник янгилаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфраструктурасини жадал ривожлантириш, шу асосда мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини, турмуши сифати ва даражасини ошириш масалалари ҳам мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди.

Бугунги кунда бутун жаҳонда ривожланишнинг "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган машҳур беш тамойилга асосланган чуқур ва пухта ўйланган стратегияни изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш туфайли жаҳонда давом этаётган иқтисодий инкирозга қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз бугунги кунда иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар орасида жаҳонда бешинчи ўринни эгаллаб турганлиги ва бу халқро ҳамжамият ва халқаро молия институтлари томонидан муносиб равишда юқори баҳоланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,0 фоизга ўсди. Давлат бюджети профитит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Айниқса, қишлоқ жойларда маҳаллий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ички талабни мувозанатли рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари – 10,1 фоизга, чакана товар айланмаси – 15,0 фоизга ва хизматлар кўрсатиш – 12,9 фоизга ўсишига қўмаклашди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари ўсиши 6,6 фоизга таъминланди. Жорий йилдаги ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мўл ҳосили етиштирилди ва йиғиб олинди. Қишлоқнинг қиёфасини тубдан яхшилаш чоралари фаол амалга оширилмоқда, янги қишлоқ массивлари қурилишида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 9,3 мингга яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди.

Хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурини изчил амалга ошириш кичик бизнеснинг 21,4 мингта, ёки 2014 йилнинг шу давридагига қараганда 6,0 фоиз кўп янги субъектини ташкил этишга қўмаклашди. Кичик бизнес субъектларига давлат мулкнинг 17,8 мингта фойдаланилмаётган объектлари ижарага берилди, умумий суммаси 9,6 триллион сўм банк кредитлари ва микрокредитлар ажратилди. Натижада саноят ишлаб чиқаришида, инвестицияларда, экспортда ва аҳоли бандлигида кичик бизнеснинг улуши ва роли ўзлуксиз ўсиши таъминланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилияти ва истеъдодини рўй-бга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани, айниқса эътиборлидир". Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги савий-ҳаракатлар натижасида, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги ошириб, аёл тадбиркорлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Ҳўжа қилмоқчи бўлганимиз, Чилонзор туманида жойлашган "Нурафшон-нур" хусусий корхонаси 2007 йилда ўз фаолиятини бошлаб, ҳозирда юртимиз ички бозоридида ўз мижозларига эга корхонага айланган. Корхонанинг асосий фаолияти буюртмалар асосида замонавий маҳсулот иш кийимларини тайёрлаб, буюрмачиларга етказиб беришдан иборат. Ўтган давр мобайнида корхона 1000 дан зиёд хусусий, қўша ва давлат корхоналари билан шартномалар тузиб, уларнинг истак ҳамда талабларидан келиб чиққан ҳолда замонавий иш кийимлари ва пойабзаллар билан таъминланмоқда.

"Нурафшон-нур" хусусий корхонаси буюртмачилари орасида "Dori-darmon", "Remedy", "Liderfors", "Dewell", "AgroHouse", "Grand Motors", "Sinerji", "Karkas JBI Trade", "Eco Life", "Mirmax industrial", "Новафарм", "Никафарм", "Зелёный чай" каби ишлаб чиқариш корхоналари ва "Ўзбекистон темир йўллари" АК, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Тошшаҳарнур" ДУК сингари йирик давлат корхоналари мавжуд.

— Корхонамизда хорижий дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилганлиги туфайли иш унумининг ошишига эришдик, — дейди "Нурафшон-нур" хусусий корхонаси директори Муҳаббат Тошмуҳамедова. — Истикболдаги режаларимиз ички бозордаги ўрнимизни янада мустаҳкамлаб, хорижага чиқиш, чет давлатлардан ҳам буюртмалар қабул қилиш. Келажакимиз бўлган ёшлар, айниқса, хотин-қизлар учун янада кўпроқ иш ўринларини яратиш орзусидан.

Дарҳақиқат, аёлларимизнинг иқтисодиётнинг

Маълумки,
мустақиллик
йилларида
мамлакатимизда
хотин-қизларнинг
ижтимоий-
иқтисодий
нуфузини
кўтариш, давлат
ва жамият
қурилишидаги
ролини ошириш
борасида изчил
ишлар амалга
ошириб
келинапти.

барча соҳаларида фаоллиги кундан-кунга ортиб бораётган бир пайтда, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларга тадбиркорлик фаолияти ҳақида тушунча бериш ва шу соҳага янада кенгроқ жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар йили корхонада 1-Тошкент педагогика коллежининг меҳнат ва дизайн факультетлари, шунингдек, Учтепа туманида жойлашган миллий хунармандчилик ҳамда дизайн коллежлари ўқувчиларининг кўпчилиги мутахассисликлари бўйича ўз малакасини ошириб келмоқда. Бинобарин, жорий йил корхонага 5 нафар ёш ходимларнинг ишга қабул қилингани таҳсинга сазовордир.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, ходимлардан фақатгина меҳнат самарадорлигини ошириш эмас, балки маҳсулотнинг сифатида катта эътибор бериш талаб қилинаётганлигига гувоҳ бўласиз. Қолаверса, меҳнат хавфсизлиги қонунчилиги ва талабларига сўзсиз риоя этиш ҳам асосий шартлардан биридир. Ходимлар учун ювиниш, замон талабига жавоб берадиган гигиена ва овқатланиш хоналари ташкил этилган.

"Нурафшон-нур" хусусий корхонаси ҳар йили турли кўрик-танловларда қатнашиб келади. 2008 йилда "Ташаббус – 2008" танловининг шаҳар босқичида "Энг мурувватли тадбиркор" ва "Энг яхши тадбиркор аёл" номинациялари бўйича совриндор бўлган бўлса, "Ташаббус – 2009" да "Энг яхши тадбиркор" ва 2011 йилда "Йил аёли" кўрик-танловида 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, корхона жойлашган "Тирасакобод" маҳалласида яшовчи кам таъминланган ва ёлғиз кексаларга ҳоимийлик ёрдамлари кўрсатиб келинапти.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юртимизда тадбиркорлар учун ташкил этилган қўлай ишбилармонлик муҳити ва ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ривожланиши янгида-янги иш ўринларининг яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси она-Ватанимизда ҳукми сураётган тинчлик-осойишталик ва молиявий-иқтисодий барқарорлиқнинг яққол ифодаси, десак мунософага қилмаган бўламиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
Козим Улмасов олган сурат



МАМЛАКАТИМИЗДА

● "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясидан маълум қилишларича, жорий йилнинг 30 октябридан ҳаво кемалари парвозларининг қишки жадвалига мувофиқ Рига шаҳрига мунтазам қатновлар йўлга қўйилади. Парвозлар Тошкент-Рига-Тошкент йўналиши бўйлаб ҳар ҳафтанинг жума куни замонавий ва қулай Boeing-767 авиалайнерларида амалга оширилади.

● Жорий йилдан "Ўзбекистон неъматлари" почта маркалари муомалага киритилди. "Ўзбекистон почтаси" АЖ томонидан тайёрланиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасдиқлаган мазкур почта маркаларида юртимизнинг қулай ва табиий иқлим шароитида ўсадиган мевалари тасвирланган. Икки почта маркасидан иборат туркум турли ранглардан ишланган бўлиб, 10 минг нусхадан чоп этилган.

● Самарқанд олимпия заҳиралари тайёрлаш марказида спорт рақси бўйича Самарқанд чиққ кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон спорт рақси федерацияси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, Қозғоғистон Республикасидан келган 200 нафардан зиёд спортчи ўзаро баҳслашди.

● Фарғонада "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида ташкил этилган "Мунозара" тўғараклари жамоаларининг 15-19 ёшли аъзолари ўртасида республика турнири бўлиб ўтди. Турнирда мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат жамоалар ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Афғонистоннинг шимолида портлаган бомба тинч аҳоли вакилларида беш кишининг ўлимига ва 25 кишининг жараҳат олишига олиб келди. Кўпуровчилик ҳаракати 19 октябр, душанба куни Афғонистоннинг Фарғоб ҳудудий бўлинмасига қарашли бўлган Андхой шаҳри ҳудудида амалга оширилган. Террорчилар портловчи мосламани одам ташувчи араваканининг аравагага жойлаштирган ва Андхой шаҳрининг бозоридида, маҳаллий вақт билан соат 11:00 да масофадан туриб портлатган.

● Airbus компанияси "Конкорд-2" деб ном олган янги самолёт учун патент олди. Янги ҳаво кемаси йўловчиларни Нью-Йоркдан Лондонга атиги бир соатда элтиб қўйиши мумкин. Бу, парвозлари 12 йил аввал тўхта-тилган товушдан тез учар "Конкорд" самолётлари томонидан қайд этилган кўрсаткичидан уч баробар юқори натижадир. Маълум бўлишича, ҳозирча Airbus янги самолётлардан фақат ҳарбий мақсадларда фойдаланиш ниятида. Унинг саломи 19 йўловчига мўлжалланган.

● Францианинг EasyMile компанияси томонидан лойиҳалаштирилган EZ10 роботлаштирилган автобуслари Сингапурда ва АКШнинг Калифорния штатида фойдаланишга топширилади. EZ10 — тўлиқ ўзи ҳаракатланувчи транспорт воситаси бўлиб, унинг ҳатто рули ҳам йўқ. У литий-ионли аккумуляторлар блокидан қувват олувчи электр мотор ёрдамида ҳаракатга келади.

21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинган кун

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани самарасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Мамлакатимиздаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, барча корхона ва ташкилотларда расмий иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатларига доир ишлар давлат тилида олиб боришмоқда. Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамгалари, иш қоғозлари давлат тилида юритилмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашга монелик қилмаслиги, фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгаллиги "Давлат тили ҳақида"ги қонунда белгилаб қўйилган. Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона аҳил оиладек истиқомат қилаётган юртимизда давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда бошқа миллат ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланмоқда.

Ушбу жиҳатлар Республика Байналмилал маданият маркази фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топишмоқда. Ҳар йили ўзбек тили, китобхонлик, адабиёт байрамлари, нотиклик маҳорати бўйича иходий танловлар юқори савия-

да ташкил этилаётгани турли миллат ва элат вакилларида иборат ёшлар онгу шурида она тилимизга ҳурмат-эҳтиром ўйғотибгина қолмай, уларни шу табаррук заминни, тинч-осойишта, ёруғ ва фаровон ҳаётимизни қадрлашга, юрт тақдирини учун дахлдорлик туйғуси билан яшашга ундамоқда.

Марказ томонидан ўтказилаётган "Ўзбекистон – умумий уйимиз", "Шу азиз Ватан барчамизники!", "Ягона ва аҳил оилада" каби дўстлик фестиваллари, санъат байрамлари, концертлар, маърифий анжуманлар мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларида она тилимизнинг жозибаси ва бетакорлигини дилдан англашда асосий омил бўлмоқда.

— Шу муқаддас замида яшаб, касб-корли, оилали, фар-

зандли бўлдим, — дейди Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси вакили Сеня Син. — Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳнатсевар, тинчликпарварлиги, ҳалоллик, тўғрилиқ, оқибатни қадрлаши унинг маънавияти кўзгуси бўлиши тилида яққол намоён бўлади. Уч фарзандим, саккиз неварам Ўзбек тилига катта ҳурмат, эҳтиром ва масъулият билан муносабатда.

Арман миллий маданият маркази раҳбари Мартин Сетян Наврўз, Мустақиллик каби халқимизнинг улуг айёмларига бағишланган турли сайллар, маданий-маърифий тадбирлар ўзбек тилига бўлган ҳурматни кучайтиришга, миллатлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик, тотувлик, шўқронлик туйғуларини тобора мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, дейди.

Ўзбек тилининг бойлиги ва тақомиллаштиришга доир қўллаб-қувватлаш, лойиҳалар олиб боришмоқда, турли соҳаларга оид луғатлар, илмий рисоалар мунтазам нашр этилмоқда. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча нашриёт матбаа-иходий уйлари томонидан она тилимизнинг жозибасини бор бўй-баста билан намоён этишга доир нашрлар чоп этилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётгани диққатга сазовордир.

Буларнинг бари мамлакатимизда она тилимизни эъзозлаш, уни янада равақ топтириш йўлидаги эзгу савий-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳоли турмуши сифати ва даражасини янада ошириш йўли давом эттирилди. 748,7 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 451,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Жорий йилнинг 1 сентябидан бошлаб бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорлари 1,1 маротаба оширилди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилмоқда, ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 2,0 триллион сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди.

Мажлисининг кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида 2015 йилда sanoat маҳсулоти ишлаб чиқаришининг прогноз параметрларига ва уни диверсификациялашга сўзсиз эришишни таъминлаш, шунингдек, 2016 йилда иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам асос яратиш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Sanoat тармоқларини ривожлантириш, диверсификациялаш ва модернизациялаш борасида қўллаб-қувватлаш дастурий чора-тадбирлар sanoat ишлаб чиқариши ҳажмларининг 7,3 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳўкимият органлари раҳбарлари олдига жорий йил якуни бўйича sanoat маҳсулоти ишлаб чиқаришининг прогноз параметрларига эришишни таъминладиган барча мавжуд манбаларни ва ўсиш резервларини сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Бошқарув тизими самарадорлигини, энг аввало, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда мамлакатимиз Президентининг қарори билан ташкил этилган Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига мўҳим ўрин юкланганлиги қайд этилди.

"Бўйортмалар портфели" ўз вақтида шакллантирилиши, 2016 йил ишлаб чиқаришининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари учун ҳомаш ва материалларни, энг аввало IX Халқаро sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш давомида харид қилишга шартномалар тузиш, шунингдек, XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида тузилган шартномаларни амалга оширишда ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгиланди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳўкимият органлари раҳбарларининг эътибори мамлакат Президенти томонидан жорий йил сентябрь ойида Фарғона ва Наманган вилоятларида ташиф давомида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда 2016-2019 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирлар қўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида 2015 йилнинг энг мўҳим объектларини ишга туширишни таъминлаш, sanoat ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича 2016-2019 йилларда назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошлашни жадаллаштириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан қўйилган чора-тадбирларнинг натижалари чўқур ва батафсил таҳлил қилинди. Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши ва иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий инфратузилмани барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 9,9 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 7,4 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди. 3 440 та янги объектлар фойдаланишга топширилди, юқори технологик ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 76 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Ўзбекистон миллий автомагистрал таркибига кирувчи автомобиль йўллари қўриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича 1,0 триллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар ва орқада қолишлар учун бир қатор ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдига қўйилган ўрнини тўлдириш ва амалга оширилган инвестиция лойиҳалари бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди, шунингдек, уларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарларига жорий йилнинг сентябрь ойида ташкил этилган Янгида қўрилаётган ва реконструкция қилинаётган ишлаб чиқариш қўватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланлигини, техника ва технологияларни эксперт баҳолаш агентлигининг ишини жадал ташкил этиш ва унинг бундан бўён самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш юзасидан кеңиштирилган бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Мажлисида экспортнинг прогноз параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, экспортга етказиб бериш турларини қўлайитириш ва географиясини кенгайтириш бўйича мавжуд резервларни энг кўп даражада сафарбар этиш, шунингдек, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилди. Жаҳон бозорларидаги нуқул конъюнктурага қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан қўрилаётган тизимли чора-тадбирлар ташқи савдо айланмасида ижобий салъ-

до тенденциялари сақланиб қолишини таъминлаш имконини берганлиги алоҳида таъкидланди. Йил бошидан бошлаб олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 830 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналарга, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳўқимликларига экспортга етказиб бериш ҳажмларини янада қўлайитиришга ва турларини кенгайтиришга, мамлакатимиз экспорт қилувчиларининг аъъанавий ташқи бозорлардаги мавқеини мустаҳкамлашга ва янги бозорларни ўзлаштиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳўқимликлар раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, турар жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш, шунингдек, бўлажақ куз-қиш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка гамлаш ишларини тугаллаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўқимликлари, "Ўзтрансгаз" компанияси, "Ўзбекэнерго", "Ўзбекқўмир" акциядорлик жамиятлари, шунингдек, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва турар жой фонди объектларининг 2015-2016 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан, газ-транспорт ва энергия билан таъминладиган объектлар барқарор ишланиши, табиий газ, қўмир ва электр энергиясини узулксиз етказиб берилишини таъминлаш учун улар шахсан масъул эканлигига қаратилди.

Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўқимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошка-ни зарур ҳажмларда гамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг қиш-баҳор даврида талабни ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, ички бозорда нархларнинг асосий равишда кескин ўсиб кетишига йўл қўймайдиган аҳолига сотиш учун савдога тизимли қўйишларни таъминлаш топширилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳўқимликларига раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳўкумати мажлисида қиритилган масалаларни муҳокама қилиш якуни бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2015 йилги иқтисодий дастурнинг мўҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш ва келгуси йилда республика иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун ишончли қафолатлар яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 4-моддасидан.

Ўзликни англаш, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали юз беради. Президентимиз Ислам Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.

Она тилини ривожлантириш ҳар бир халқ мустақиллигининг, миллат маънавий ўзлигининг дастлабки шартларидан биридир. Чунки тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одат ва аъъаналарини ўзида мўҳимлаштирилади, аждодлардан авлодларга ўтишини таъминлайди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши истиқлолга эришиш йўлидаги илк мўҳим қадам бўлди. Хали истибод қишларни парчаланмаган бир пайтда – 1989 йили Ўзбекистонда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг маънавий ҳаётидаги мўҳим воқеа эди. Шу туфайли ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни тикланди, жамиятдаги мавқеи кўтарилди, уни миллий қадриятга айлантириш борасида улкан ишларга замин яратилди. Бош қўмусимизда ҳам давлат тилининг мақоми ҳўқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши туфайли ўзбек тили мамлакатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган мўҳаддас тимсоллардан бирига айланди.

Мустақиллик йилларида тилимизни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар кўпайди, унинг ўзига хос хўсусиятларига бағишланган адабиётлар, кўплаб лўғатлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланган "Ўзбек тилининг изоҳли лўғати"га адабий тилимизда истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминлар, тарихий ва эскирган атамалар жамлангани унинг имкониятлари нақадар катта эканини кўрсатди.

Шу ўринда бир маълумот: Ер юзида беш мингта яқин тил ва лаҳжага мавжуд бўлгани ҳолда атиги юзга яқин тил давлат тили мақомига эга. Хар бирида йигирма миллиондан ортиқ одам гаплашадиган тилларнинг умумий сани қирққа бормайди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, у мамлакатимиздан ташқарида ҳам миллионлаб кишиларга алоқа воситаси бўлиб хизмат қила-

ётгани барчамизга фахр-ифтихор бахш этади.

Бугун турли даражадаги расмий учрашув ва суҳбатлар, музокараларда тилимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Нуфузли халқаро анжуманлар, спорт тадбирларида ўзбекча каломлар янграмоқда. Чет элларда ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар нашр этилмоқда, ўзбек тилини ўрганув-

"Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни она тилимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминлаш, фарзандларимиз учун чет тиллар, ахборот технологияларини ҳар томонлама пухта эгаллаш борасида қўлай имкониятлар яратмоқда.

"Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 20-моддасида бундай дейилган: "Лаҳзалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмаларни ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин".

Телевидение, радио, матбуот нашрлари, кино тилининг асосий тарғиботчилари саналади. Бинобарин, суҳандонлар, бошловчилар, режиссёрлар, актёрлар ва

номлари давлат тилида акс эттирилиши белгиланган. Ушбу мақсадда жойларда топонимик объектларга ном қўйиш комиссиялари қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Баъзи ҳолларда кўча-кўйда хорижий тиллардаги ёки имловий хато билан битилган пешлавларнинг тезтез учратаётганимиз бўл борадаги ишлар камровини янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатади. Тегисли мутасаддилар хизмат кўрсатиш шўҳобчаларини ташкил этаётган юридик ва жисмоний шахсларга лицензия беришда объектлар номига алоҳида диққат қаратиши мақсадга мувофиқдир. Жамоат транспортларида давлат тилидаги рекламаларни нисбатан кам қўрашмиз.

Тўб сўзларимиз бўла турар, уларнинг ўрнига чет атамалардан фойдаланишимиз, ўзимизга осон қилиш учун сўзининг ярмини ютиш, исмлар, жой номларини таниб бўлмас даражада қисқартириш, халқ тафаккурининг беқийс маҳсули бўлган мақолу маталларни ўз билганимизча ўзгартириб олавериш тилга беҳурматликдан бошқа нарсас эмас. Халқ оғзаки ижодининг кўрки бадийат, бадий муболага. Мақолу маталлар – она тилимизнинг дуру гаҳлари. Қадимдан фойдаланилиб, куйма шакл олган, ихчамланган, оддий тўюлса-да олам-олам маъноларни ўзида жамлаган халқнинг миллий бойлигини – тил мўъжизасини ўз билганимизча "тахрир қилиш"нинг нима ҳўжати бор?

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ота-боболаримизнинг нафақат руҳини, балки уларнинг ижодий меросини, мақолу маталларини эъзозлаш маънавиятимизни янада бойитишга, ўзлигимизни чўқурроқ англашга хизмат қилади. Зеро, инсон ўзлигини анлагани, насл-насабининг чўқурроқ билгани сари юрагига Ванга муҳаббат туйғуси илдири отиб, улғая боради. Томирда миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қўдир бўлади.

Улғу аждодларимиз тилимизни равнақи, унинг қадр-қиммати учун доимо курашган. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-лўғатин" асарида тилимизнинг нақадар бой ва серқирра, нафис ва сержоло эканини, ҳеч бир тилдан кам эмаслигини исботлаган. Ана шундай бебаҳо бойлиқнинг ворислари сифатида она тилимизни бойитиш, нуфузини янада ошириш ҳар биримизга катта масъулият юклайди.

Барча қўнунлар каби "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижросига ҳам фақат назорат қилувчи органлар эмас, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро масъул. Она тилимизни қадрлаш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний зийнатимиз, фуқаролик бурчимиздир.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси



чилар, унга қизиқувчилар ортиб бормоқда. Интернет тармоғида ўзбек тилидаги сайтларнинг тобора кўпайиб бораётгани, улардан дунёнинг турли нуқталарида миллионлаб одамлар кенг фойдаланаётгани тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеи юксалиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда давлат ҳўкимияти, маҳаллий ҳўқимликлар ва бошқарув органларининг ҳўжжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Айни вақтда мамлакатимиз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тилларига ҳўрмат билан муносабатда бўлиш таъминланмоқда, уларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилмоқда.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган

бошқа тегишли соҳа вакиллари ўзбек тилига ҳўрмат билан ёндашиши, адабий тил меъёрларига риоя этишлари шарт. Бу хўсусий каналлардаги айрим радио ва телебошловчиларга ҳам тааллуқли. Тилимизда ҳар бир сўзининг ўз ўрни, ўз мазмун-моҳияти бор. Сўзининг маъно но-зикликларини англаш, тилининг ички имкониятларидан оқилона фойдалана олиш ҳам санъат. Баъзи ҳолларда матбуот нашрларида ҳам тил меъёрлари бузилаётган, айрим атамаларнинг ўзбекча шакли мавжуд бўлгани ҳолда бошқа тиллардаги мўқобилидан фойдаланилаётган ҳўлатлар учрамоқда.

Қонуннинг 22-моддасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, майдонлар билан бирга кўчалар, географик объектлар

Чилонзор тумани ҳўқимининг

ҚАРОРИ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ИЖТимоий МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги тахрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳўжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳўжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўъжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгиллаш бўйича туман маҳсус комиссиясининг 2015 йил 26 сентябрдаги йиғилиш баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 274 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2751 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёрлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

мудатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёрлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ҳодимга иш жаранларини тўқинилксиз бажариш имконини (соғлигининг) аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари; бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – маҳсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари; жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига қўра тиббий характердаги мажбурий чоралар қўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёрлигига ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳўнарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – маҳсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

2.Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2016 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3.Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камиди 25 фоиз учун, 2016 йилнинг 10 апрелдан кенжамки иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиб ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни

хар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйилган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотлар ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ ҳўсуларни туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4.Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинад.

5.Ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳўқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6.Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Б.Раҳимходжаев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан маъкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7.Чилонзор туман ҳўқимининг 2014 йил 24 октябрдаги "Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2014 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 507-сонли қарори 2015 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8.Ушбу қарор 2016 йил 1 январдан қўчга қиради.

9.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳўқимининг ўринбосари А.Далабоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳўқими
Т.Мирхидоятов

2015 йил 7 октябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳўқимлигининг tashkent.uz сайти орқали таништириш мумкин.

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

ташаббуслари билан Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам юртимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятлардан биридир.

Танловлар

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Айни кунларда шахримиз туманларида "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

"Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг Чилонзор туман босқичи ҳам юқори савияда ўтди. Танловда 69 нафар қизлар адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишларида ўзларининг бор билим-маҳоратларини намойиш қилдилар.

Бу нуфузли мукофот жуда кўплаб иқтидорли қизларининг нишона бўлиб, уларни янада ташаббускор бўлиш, изланиш ва улкан ютуқларни қўлга киритиш сари ундади.

Танловнинг Чилонзор туман босқичида ҳам иштирокчилар ўзларини қизиқтирган соҳаларда эришган ютуқлари, ёзган

шеър, ҳикоя ва мақолалари, миллий, бадийий безак ва каштачилик бўйича ишлари, шунингдек, оҳанграбо кўшиқ, дилбар рақс ва спорт ўйинларидан лавҳалари билан қатнашиб ўз иқтидорларини намойиш қилдилар. Маданият, санъат соҳасида қатнашаётган қизларнинг ижодидан кўргазмалар ҳам намойиш этилди.

— Танлов жуда кўплаб иқтидорларни юзага чиқариш бариберида уларнинг истеъдодларини шакллантириш, қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ўрин тутмоқда, — дейди Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мунира Арипова. — Бу галги танловда ҳам энг оқила, доно, зукко ва билимдон қизлар ўз иқтидорларини кўрсатишга ҳаракат

қилдилар ва буни эпладилар ҳам. Қизларнинг кийимларида миллийлик кўзларни қувнатса, юзларидаги ўзбекона ҳаё кўнгилларга хотиржамлик бахш этади.

"Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловини буюк изланишларга, интилишларга, умидли чўққиларга қўйилган хайрли қадамларнинг дебчасидир, десак адашмаймиз.

Танлов натижаларига кўра, етти нафар энг иқтидорли ва зукко қизлар кўрикнинг шаҳар босқичига йўлланма қўлга киритишди. Танлов сўнггида иштирокчи қизларга Чилонзор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулнор САТТОРОВА

Рўзгоримизга кут-барака киритувчи, доно маслаҳатчи, ҳаётнинг пасту баландини кўрган, аччиқ-чучуғини тотган, айниқса, дахшатли урушнинг азоб-уқубатларини ўз бошидан ўтказган кекса авлод вакиллари — нуронийларимизга ҳар қанча эъзоз-эҳтиром кўрсатсак арзийди.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

Чунончи, Юнусобод туманидаги "Оқтепа" маҳалласида яшовчи меҳнат фронти фахрийси, 90 ёшга қаршилаётган Хувайдо ая ҳам маҳалланинг иззат-ҳурматига лойиқ табаруқ онахонларидан саналади.

Хувайдо ая билан гаплашсангиз ширин сўзларидан, дуоларидан дилингиз яйраб кетади. Отасидан 14 ёшида ажраб қолган оиладаги бош фарзанд зиммасига рўзгор юки тушади, жамоа ҳужалигида ишлаб, онаси Ибодат аяга ёрдам бера бошлайди.

Оловли уруш йилларида тобланган Хувайдохоннинг тақдири 1941-45 йилларда II жаҳон уруши жангоҳларида жанг қилиб, юртига ёруғ юз ва галаба наҳидаси билан қайтган Саид Расулов билан боғланади.

Аҳиллик, ҳалоллик устун бўлган бу оилада 5 ўғил ва 4 қиз дунёга келади. Ота-оналаридан меҳнат

ҳар қандай шароитда ҳам инсонни улуғлашни тушуниб етган фарзандлардан бирлари ҳозирда тадбиркор, бошқалари агроном бўлиб, жамиятимиз тараққиёти, юрт равнақи йўлида ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бугунги кунда 30 нева-ра, 40 эваранинг семимли бувижониси бўлган, "Шуҳрат" медали соҳибаси Хувайдо ая тўю тантаналарда бошу қош, фарзандлари, нева-эвараларининг қалби кўрию, уларнинг тўрида иззату икромда.

Ҳамиша қўлларини дуога очиб, ёшларга бугунги дорилар билан кўлга кирмаганини, унга шукроналик келтириш кераклигини ўқитишдан ҳеч ҳам чарчамайди. Ёшимизда, атрофимизда ана шундай фаришта, дуоғўй нуронийларимиз бор экан, оилаларимиз файзли, ҳаёт эса янада тотли бўлаверади.

Гулчеҳра КАРИМОВА



Ёшлар — келажакимиз

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙДИ

Иқтидорли ёшлар — Ватанимиз фахри. Бугун улар ўз қобилиятлари билан тенгдашларига ўрнак бўлишмоқда, жамиятимизда ўз ўринларига эга. Қуйида шундай иқтидорли ёшларимиздан бири Гулнозахон Асранова ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Гулнозахон 2005 йилда Юнусобод туманидаги Тошкент туризм касб-хунар коллежини Кичик менежер ва гид таржимон мутахассислиги бўйича имтиёзли тугатди. Шу йили "Simurg-travel" сайёҳлик фирмасида фаолиятини бошлади. 2008 йили К.Бехзод номли Миллий расмлик ва дизайн институтининг Касбий-таълим, либос дизайни мутахассислиги факультетига ўқишга қабул қилинди. Ҳозирги кунда Чилонзор туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказида либос дизайни, миллий ўйинчоқлар, заргарлик санъатидан ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

— Болалик давримда буюмдан кўплаб ўзбек халқ эртакларини мароқ билан тинглар эдим, уларнинг бари кечагидек ёдимда, — дейди Гулнозахон Асранова. — Эртдаги ҳар бир қаҳрамонни ҳаёлимда тасвирлаб, гўёки мен ҳам у ерда иштирок этаётгандек ҳис қилганман. Эртдаги хикматли, ибратли воқеалар мени келажакдаги орзуларим сари чорлади. Буюмимдан айтган эртда иштирокчиларини тасаввур қилиб, илк бор олти ёшимда кўғирчоқ ясадим. Унга турли идишчалардан уйчалар, қоғозлардан кийимлар тайёрлаганман. Биласизми, ҳар бир ишингизга меҳр билан ёндошмоғингиз лозим экан. Ана шундангина ўзингизни ис-таган ижод маҳсули кўз олдингизда намойиш бўлади. Меннинг ҳам ижодий меҳнатларим инсонларнинг кўнглидан жўш олмоқда, десам адашмайман. Ясаган кўғирчоқларим, тиккан либосларим, чизган расмларим билан кўрик-танловларда ҳамда кўргазмаларда мунтазам қатнашиб, сертификат, диплом, фахрий ёрлик билан тақдирланиб келмоқдаман.

Дарҳақиқат, Гулноза ёш бўлишига қарамай, 100 га яқин шоғирдларига хунар сирларини ўргатиши бизни қувонтирди. Қаҳрамонимизнинг таъкидлашича, 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳамда ногирон болаларга сабоқ бериши, ёшларнинг қизиқишини ошириши асосий вазифаларидан бири экан. Унинг шоғирдлари ҳар йили анъанавий ракувида ўтказиб келинаётган "Камалак" юлдузлари, "Янги авлод" кўрик-танловларида фаол иштирок этиб келмоқда. Гулноза 2014 йилда "Баркамол авлод" болалар марказлари ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловининг шаҳар босқичида қатнашиб, "Йилнинг энг яхши тўғрак раҳбари" номинацияси бўйича учинчи ўринга сазовор бўлди. Унинг меҳр билан ишланган ҳар бир ижодий иши инобатга олинди, ЮНЕСКО ташкилоти томонидан "Нодир хунар эгаси" деб тан олинди.

Гулнозанинг орзулари бисёр. Улардан бири келажакда барча дизайнерлар каби атлас, адрес, бекасам, шойи, ипак матоларидан фойдаланган ҳолда миллийлигимизни билдирувчи замонавий либослар яратиш, жаҳон миқёсидаги кўрикларда намойиш этиш. Шунингдек, шахсий либослар ҳамда кўғирчоқлар цехини очиб-яратиш ҳам бор.

Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нахш қабидир. Гулнозанинг асосий мақсадларидан бири ёшларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, кўплаб шоғирдлар етказиб чиқариш ва ҳар бир нарсадан фўзаллик яратишдан иборат. Биз унинг мақсадлари рўёбга чиқишига омадлар тилаймиз.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик маркази ҳамкорлигида "Умумтаълим муассасаларида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ўқитилишининг долзарб масалалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг мутасадди вакиллари, тарихчи олимлар, маънавият тарғибчилари, ўқитувчилар, услубчилар ва дарсликлар муаллифлари иштирок этди.

Семинарда сўз олган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А. Маврулов, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик маркази директори З. Саидбобоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш, навқирон авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб қамолга етказиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиниқ кўзгудир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда тарих масалаларига, айниқса, яқин ўтмишда халқимиз бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни илмий жиҳатдан таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу маънода таълим тизимида Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганиш, адолатли ҳолис ҳулосалар чиқариш, уларни ёшлар онгу шуурига синдириш муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, келажак авлоднинг маънавий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, Ватанга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашда тарих фанининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти катта. Бинобарин, ўқитиш жараёнида кенг қўлланма ўзгаришлар натижасида тарих фанига оид давлат стандартлари, дастурлар, ўқув режалари ва улар асосида дарсликлар тўлиқ янгиланди.

Ушбу фанни ўрганишга доир соатлар сезиларли даражада қўлайди. Тарихга, энг янги тарихий даврга доир дарсликларни тақомиллаштириш борасида олимлар, педагоглар, услубчилар томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни дамда тарих фани ўқитувчилари билан бирга "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Иқтисод" ўқув фанларидан сабоқ берувчи педагогларнинг энг янги тарихимизга оид билим ва малакасини оширишга жиҳдий эътибор қаратишмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида мафкуравий иммунитетни янада қучатиришда буюк тарих, миллий гуруҳ муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий-гуманитар ҳамда тарихга оид фанларнинг муносиб даражада ўқилиши талаб этилади, — дейди Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маврулов. — Айниқса, бугунги кунни ҳам қамраб оладиган энг янги тарихни ўқитиш юқори савияда ташкил этилиши зурур. Ушбу масалаларнинг умумтаълим муассасаларида ҳолатини муҳокама қилиш ва тақомиллаштиришга оид амалий тақлифларни ишлаб чиқиш мазкур семинарнинг бош мақсади ҳисобланади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" MCHJ
Тошкент шаҳар филиали қуйидагиларни маълум қилади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" MCHJ Тошкент шаҳар филиали томонидан "Биржа" газетасининг 2015 йил 8 сентябрдаги 105(1972)-сон ва "Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 8 сентябрдаги 185(12.998)-сонда очик аукцион савдоларида чиқарилган ҳамда "Биржа" газетасининг 2015 йил 17 сентябрдаги 109(1976)-сон ва "Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 16 сентябрдаги 191(13.004)-сонда очик аукцион савдолари бўйича хабарномага қўшимча шартлар киритилган "TOSHKENT QO'G'OZI" MCHJга тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй манзилда жойлашган, қуйидаги 5 та қўчмас мулкларининг аукцион савдолари ўтказиш саналари 2015 йил 9, 16, 23, 30 ноябрь кунларига қўйилганлигини маълум қиламиз.

Савдо 2015 йил 9 ноябрь кунни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 5 ноябрь кунни соат 18:00.

Юқоридаги қўчмас мулклар 2015 йил 9 ноябрь кунни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 16, 23, 30 ноябрь кўнлари соат 12:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 16 ноябрдаги такрорий савдо учун 12 ноябрь кунни соат 18:00; 23 ноябрдаги савдо учун 19 ноябрь кунни соат 18:00; 30 ноябрдаги савдо учун 26 ноябрь кунни соат 18:00 да тўхтатилади.

Ушбу сотилаётган корхона объектлари билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Асос: "TOSHKENT QO'G'OZI" MCHJнинг 2015 йил 14 октябрдаги 330-сонли хати ва "Ko'chmas mulk savdo xizmati" MCHJ Тошкент шаҳар филиалида аукцион савдоларини ўтказиш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 16 октябрдаги 009-сонли баённомаси.

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0371) 236-38-28. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

Туйғулар

АЛЛА СЕҲРИ

Бу шундай бир қўшиқки, уни ҳеч замонда ҳеч бир шоир ёзмаган. Бахшилар куйлаб чиқаролмаган. Созандалар ўз мулки сифатида ўзлаштиролмаган. Уни ҳар бир юрак ўзича куйлайди. Чунки бу жон билан бирга, қон билан инсон ботинига сингиган қўшиқ.

Бу қўшиқ мунис оналаримизнинг қалбидан жўшиб чиқиб, жажжи фарзандларнинг мурғак қалбидан жой олади. Қўзатаётган бўлсангиз, кейинги лойларда, айниқса ёш оилали хонадонларда деярли бу қўшиқ сандоси янграмапти. Наҳот, бир вақтлар жон қўлоғимиз билан эшитган алламизни унутиб қўётган бўлсак?! Ёки бизга алланинг сеҳри ва қудратини уйдаги катталар яхши тушунириб беришолмаётимизкин?

Ахир, меҳр бўлогидан яралган самимий туйғулар одамзодни доимо эзгуликка, яхшиликка ва албатта, бахтга интилиб яшашга ундайди-ку. Бахт эса санъат билан тирик, мусиқа билан қадридир. Санъат деб аталмиш ажиб гулшан меҳру муҳаббатга ошуфта дилларнинг ижод завоқи берган бахт наҳидаси билан сийлайди ва умрбоқий мусиқий лаҳзаларни инъом этади. Инсон бир умр мусиқа билан ҳамнафас, мусиқий

қувонч ва мусиқий қайғу каби туйғулар оғушида ҳаёт кечиради. Хатто, эндигина дунёга келган гўдак ҳам бутун вуқуди ва бор овози билан бақариб, ҳаётга ҳамда бу ёруғ дунёга бўлган муҳаббатини йиғисидани ажиб ва ёқимли мусиқа билан изҳор этади, гўё, Она алласи-чи? Ҳеч эътибор берганмисиз, алла айтган онанинг меҳрли нигоҳларида нафис мусиқанинг дилларга яқин, кўнгилларга манзур ажиб ноласи уфурди туради ҳамда бу сеҳрли, маҳзун мусиқани тинглаганимизда, кўзлар ёшланади. Ҳа, бу қувонч ёшлари орқали она фарзандига қалбиданги сўзларини айтади. Демак, мусиқа инсонни нафакат қулдиришга, балки йиғлатишга ҳам қодирдир. Лекин у фақат бахтдан, қувончдан йиғлатмайди.

Буюклар ҳам бешикда алла тинглаб ухлаган. Қаерда эшитманг, ҳар бир миллатнинг ўз алласи

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё кубоги ва жаҳон чемпионатининг қўшма саралаш босқичи "Н" гуруҳи 6-тур баҳсларини бу сафар белгиланган регламентга мувофиқ ўтказиб юборди.

Спорт янгиликлари

САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вакилларимиз иштирок этаётган гуруҳнинг қолган жамоалари эса мазкур турда ўзаро беллашди. Жумладан, КХДР Яманга қарши ўз майдонида куч синашган бўлса, Бахрайн Манамада Филиппин қаршичилигини енгди.

КХДР — Яман ўртасидаги ўйин тақдирини учрашувнинг 12-дақиқасида корейлик Жонг Ил Гваннинг ўн бир метрлик жарима тўпидан киритган ягона голи ҳал қилди. Гуруҳнинг яна бир учрашувида Бахрайн Филиппин терма жамоаси дарвозасига жавобсиз икки та тўп киритишнинг уддаси-

дан чиқди. Ўйиндаги голларга 53- ва 61-дақиқаларда ҳужумчи Исмоил Абдулатиф ҳамда марказий ҳимоячи Саид Мухаммад Аднан муаллифлик қилди.

Шундай қилиб, айна дамда Шимолий Корея ўз очколари сонини 13 тага етказиб "Н" гуруҳида пешқадамлик қилмоқда. Гуруҳнинг қолган барча жамоаларидан битта кам ўйин ўтказган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 9 очко билан иккинчи поғонага жойлашган бўлса, Филиппин, Бахрайн, Яман терма жамоалари қолган ўринларни банд этиб турибди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Катар пойтахти Доха шаҳрида бўлиб ўтган XVIII жаҳон чемпионатида жами олти та медалга сазовор бўлиб юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари мазкур нуфузли турнирда учтадан бронза ва кумуш медалларига эга чиқиб, медаллар сони бўйича Куба ва Россия терма жамоаларидан кейинги ўринни эгаллашди.

Гарчи юртимиздаги бокс мухлислари вакилларимиздан олтин медал кутган бўлишса-да, оғир кечган финал учрашувлари бунга имкон бермади. Шунга қарамай финалда ҳам мардонавор курашган Муроджон Аҳмадалиев, Фазлиддин Ғоибназаров, Бектемир Мелиқўзиевлар мусобақани ажойиб натижа билан яқунлашди.

Тан олиш керак, финалдаги Куба, Россия ҳамда Ирландия спортчилари вакилларимизни зўрга енгилди. Айниқса, 56 килограммга бўлган вазнда Муроджон Аҳмадалиев ва ирландиялик Майкл Конлан жангида боксчимиз рақибдан аниқроқ ва фаолроқ ҳаракат қилди. Аммо ҳакамлар европалик боксчининг ғалабасини эълон қилишди.

Шунингдек, ярим финал жанглирида Элнур Абдуллаев, Элшод Расулов ва Баҳодир Жалоловлар ўз юришларини тўхта-тишди. Мазкур баҳсларда Элшод Расулов ирландиялик Жозеф Уордга, Элнур Абдуллаев кубали Ласар Альваресга, Баҳодир Жалолов эса козогистонлик Иван Дичкога ютказиб, бронза медаллари билан юртимизга қайтиб келишди.

Ботир ХҲЖАЕВ

Ҳар ким ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш эркинлиги мамлакатимизнинг Бош Қомуси билан мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо, фуқароларга диний таъсир ўтказиш, уларни бир диндан чиқиб, бошқасига киришга ундаш, шу мақсадда турли диний мазмундаги адабиётларни тарқатиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш амалдаги қонунларга кўра тақиқланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан 5-иловасида диний қарама-қаршилиқни тарғиб қилувчи адабиётларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний таъкидотлар тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддасида эса чет элдан нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш уларнинг мазмунини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши таъкидлаб ўтилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2014 йил 20 январдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ диний адабиётларни олиб келиш, сотиш ва тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг руҳсати билан амалга оширилади. Бунда қўмита экспертлари бошқа давлатлардан республикамизга олиб кириладиган диний мазмундаги медиа ва матбаа маҳсулотларини ўрганиб чиқиб, уларни республикамиз ҳудудига сотиш, тарқатиш ва намойиш қилиш юзасидан ҳал қилувчи хулосаларини берилади.

Аммо, айрим шахслар мазкур тартибларга риоя

Божхона

НОҚОНУНИЙ ҲОЛАТЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

қилмай, турли диний мазмундаги адабиётларни ноқонуний равишда республикамизга олиб келишга ҳаракат қилишмоқда. Пойтахтимиз божхоналари томонидан диний адабиётларнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши мунтазам чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари турли хил диний мазмундаги материалларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйишди.

Жумладан, бошқарманинг "Бошпочтамт" божхона пости ходимлари фуқаро Н.Мардонов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) номига хориждан юборилган почта жўнатмасини амалдаги тартибларга мувофиқ божхона назоратидан ўтказганида, буюмлар орасида 27 дон диний мазмундаги китоблар борлиги аниқланди.

Шунга ўхшаш ҳолат фуқаро Н.Узоқова номига хориждан келган почта жўнатмасида ҳам қайд этилди. Жўнатма амалдаги тартибларга мувофиқ божхона назоратидан ўтказилганда, буюмлар орасида "Откровения Бога людям" номли диний миссионерлик мазмундаги 6 дон адабиётлар борлиги маълум бўлди.



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ

Тошкент архитектура ва қурилиш институти қошидаги академик лицейда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ушбу широк остида ўтказилган акция баркамол авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни турли зарарли ғоя ва иллатлардан асрашга қаратилган.

Ҳаракат ташаббуси билан Тошкент шаҳар халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур акция пойтахтимиздаги маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Акция доирасида фаол ва ташаббускор ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, ёшлар орасида тамаки ва алкоголь

махсулотлари, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ҳолатига қарши курашиш, ОИВ/ОИТС, йод танқислиги, кам-қонлик ва сил касаллигининг олдини олиш, миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш учун зарур шароитлар яратишга қаратилган давлат дастурларини қўллаб-қувватлаш, ёш авлод соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш хусусида фикр алмашилди.

— Тарғибот жараёнида оддий турмушда амал қилиш зарур бўлган тушунчаларга кенг тўхталдик, — дейди "Қамолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши координатори Отабек Қўзибоев. — Тамаки чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши кураш, ОИВ ва ОИТС касалликларининг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари давом эттирилмоқда. Семинар якунида ёшлар ўртасида сўровнома ва тест ўтказдик.

Тадбир доирасида ёшлар ўртасида турли интерактив ўйинлар ташкил этилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл божхона пости ходимлари томонидан "Москва — Тошкент" йўналиши бўйича кириб келган йўловчи поезд йўловчиси фуқаро Б.Тургуновнинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганида, ундаги уяли алоқа воситаси хотирасида ҳамда қўшимча флеш карта хотирасида турли диний экстремистик ва террорчиликни тарғиб қилувчи маърузалар, суратлар ва видеороликлар борлиги аниқланди.

Шунингдек, ушбу божхона пости ходимлари томонидан "Челябинск — Тошкент" йўналиши бўйича кириб келган йўловчи поезд йўловчилари фуқаролар А.Махмудов ҳамда Б.Махсумовларнинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганида, уларга тегишли уяли алоқа воситаларининг хотирасида жами 476 дон диний мазмундаги турли аудио ва 21 дон видео материаллар борлиги аниқланди.

Бундан ташқари, мазкур божхона пости ходимлари томонидан "Оренбург — Тошкент" йўналишида кириб келган йўловчи поезд йўловчиларининг қўл юклари божхона назоратидан ўтказиш чоғида фуқаро Р.Дониёровнинг уяли алоқа воситаси хотирасида турли хил диний мазмундаги аудиоёзувлар борлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассисларининг тегишли хулосаларига кўра мазкур диний материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ман этилади.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси фуқароларга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан **120-76-76** ёки **120-76-71** рақамли ишонч телефонларига кўнги-роқ қилишлари мумкинлигини эслатади. Мурожаатларнинг анонимлиги қафолатланади.

Тошкент шаҳар
Божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

ТАЛАБАЛАР ТАШАББУСИ

Халқимизга хос урф-одатларнинг гўзал шаклларида бири, бу — ҳашардир. Биз ўзбеклар яқинларимиз, атрофдаги қўни-қўшниларнинг ҳар бир маърака-ю тўйида доим ёрдамга шаймиз.

Миробод туманида жойлашган "Қўйлик ота" ва "Ёпиғлик ота" қабристонларида "Қамолот" ЁИҲ Миробод тумани Кенгаши томонидан туманда жойлашган олий ўқув юртли талабалари иштирокида "Ҳашар — элга ярашар" широк остида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳашарда талабалардан иборат гуруҳлар фаол иштирок этди. Айни ҳа-зонрезги палласида бундай тадбирнинг уюштирилгани маъмуриятга ҳам манзур бўлди. Йўллар турли кераксий ўт-ўланлардан тозаланди, дарахтлар оқланди.

— Институтдаги дўстларим билан ушбу хайрли ишда қатнашдик, — дейди Тошкент Фармацевтика институти талабаси Бобомурод Қамолов. — Шахримиз ободонлигига оз бўлса-да ўз хиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Наргиза КАРИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейига ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ҳамда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари ва-кант (бўш) бўлган лавозимига **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.**

Таълим муассасаси номи	Манзили
Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияноним кўчаси, 242-уй

Малака талаблари: Олий маълумотли, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажы талаб этилади. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажы талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
 2. Сўровнома (справка-объективка)
 3. Таржимаи ҳол;
 4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
 5. 3х4 ўлчамли 6 дон фотосурат;
 6. Паспорт (нусхаси);
 7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
 8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 21 октябрь кўни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинга эҳтиш бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6, кундузи —

18-20 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумига кўра, 21 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г- 1055

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6325 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга тошпирилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ